

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси Бошқарув кадрларини тайёрлаш
факультети тингловчиларининг магистрлик диссертациясини
тайёрлаш, расмийлаштириш ва ҳимоя қилиш
ТАРТИБИ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Тартиб Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПФ-5139-сон “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (кейинги ўринларда - Академия деб юритилади) магистратура йўналиши тингловчиларининг магистрлик диссертациясини тайёрлаш, расмийлаштириш ва ҳимоя қилиш қоидаларини белгилаб беради.

2. Магистрлик диссертацияси ўқиш ва ўқув дастурларини ўзлаштириш жараёнида академия тингловчиси эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг натижаси ҳисобланади.

3. Магистрлик диссертацияларининг мавзулари Академия кафедраларининг профессор-ўқитувчилари томонидан шакллантирилади ҳамда сентябрь ойидаги кафедра йиғилиши баённомаси билан тасдиқланади.

Магистрлик диссертацияси тингловчини ўқишга жўнатган ташкилот томонидан таклиф этилган бошқарув кадрларини тайёрлаш мезонлари талабларига мос мавзу асосида бажарилиши мумкин. Бундай ҳолатларда иш берувчи тадқиқотнинг йўналиши ва мавзуси бўйича аниқ таклифини баён этиб, расмий бланкда 1-иловага мувофиқ Академияга ариза тақдим этади.

4. Магистрлик диссертацияларининг мавзулари, қоидага кўра, долзарб илмий назарий ёки аниқ амалий вазифаларни ҳал этишга бағишланади. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммолари, иқтисодиёт соҳаларининг хусусиятларини диссертация мавзуларида акс эттирилганлигини аниқлаш мақсадида Бошқарув кадрларини тайёрлаш факультети кафедралар томонидан шакллантирилган диссертация мавзулари тегишли соҳаларда фаолият юритувчи давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва ташкилотларга ташқи экспертизага беради.

5. Магистрлик диссертациясига илмий раҳбарлик Академия профессорлари, фан докторлари (DSc), доцентлар, фан номзодлари (PhD), давлат органлари ва ташкилотларининг юқори малакали ва тажрибали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

6. Ҳар бир ўқув йили учун профессор ёки фан доктори (DSc), доцент, фан номзоди (PhD) ҳамда катта ўқитувчилар учун бериладиган магистрлик

диссертациясига илмий раҳбарлик сони Академиянинг “Вақт меъёрлари”дан келиб чиқиб белгиланади.

7. Илмий раҳбар:

тадқиқот мавзуси доирасида юзага келиши мумкин бўлган масалалар бўйича тизимли равишда ёрдам бериш мақсадида маслаҳатлар жадвалини тузади;

тадқиқот усуллари танлашда ҳамда уларни тадқиқот ишида қўллашда тингловчига кўмаклашади;

айрим ҳолларда давлат ва жамият тузилмаларида катта тажрибага эга шахсларга, кўп йиллик иш стажига ва салоҳиятга эга катта ўқитувчиларга биттадан тингловчига раҳбарлик қилиш ҳуқуқи берилади;

тингловчининг белгиланган календарь иш режаси бўйича ишларнинг бажарилишини ва магистрлик диссертацияси ўз вақтида тайёрланишини назорат қилади;

дастлабки ҳимоягача магистрлик диссертациясига хулоса беради.

8. Академия кафедралари томонидан тақдим этилган ва Ўқув-услугий кенгашда муҳокама қилинган ҳамда магистрлик диссертациялари мавзулари ва тингловчиларнинг илмий раҳбарлари Илмий ишлар ва халқаро алоқалар бўйича проректор томонидан биринчи ўқув йилининг ноябрь ойида Академия Кенгаши тасдиғига киритилади.

II. Магистрлик диссертациясига раҳбарлик қилиш ва уни тайёрлашда маслаҳат бериш тартиби

9. Магистрлик диссертациясининг тайёрланишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш тегишли кафедра ўқитувчиси бўлган илмий раҳбар томонидан амалга оширилади.

10. Бошқарув кадрларини тайёрлаш факультети тингловчиларининг магистрлик диссертациясига раҳбарлик қилиш учун ташқаридан, жумладан, бошқа олий таълим муассасалари профессорлари, доцентлар, илмий унвон ва даражага эга бўлган илмий ходимлар, шунингдек, давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, корхона ва ташкилотларнинг бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш соҳаси йўналиши ва ихтисослигига мос келувчи олий маълумотли, юқори малакага эга мутахассислар жалб этилиши мумкин.

11. Магистрлик диссертацияси илмий раҳбарининг мажбуриятлари:

1) режа-жадвалида белгиланган тегишли вазифаларни бажариш юзасидан тингловчиларга маслаҳат бериш ва уларнинг ижросини назорат қилиш (2-илова);

2) магистрлик диссертациясининг мавзуси доирасида фойдаланиладиган адабиётларни танлаш бўйича тавсиялар бериш;

3) магистрлик диссертациясининг тузилишини ишлаб чиқишда тингловчига ёрдам бериш;

4) магистрлик диссертациясининг матнини таҳлил этиш ва унда аниқланган камчиликларни тўғирлаш юзасидан тавсиялар бериш (бўлимлар, боблар, параграфлар бўйича);

5) магистрлик диссертациясининг ҳимояси билан боғлиқ жараённинг тартиби ва мазмуни бўйича тингловчига ахборот бериш;

6) ҳимоя нутқи ва кўргазмали маълумотларни тайёрлаш бўйича маслаҳат ва ёрдамлар бериш;

7) магистрлик диссертацияси хулоса тайёрлашда (3-илова):

магистрлик диссертациясининг Давлат стандартлари ва ушбу Тартиб қоидаларига мувофиқ тўғри расмийлаштирилганлиги, шунингдек, унинг тузилиши, услуби, тили, мазмуни ҳамда маълумотларни таҳлил қилишда жадваллар ва графиклардан фойдаланганлик даражасига;

магистрлик диссертацияси муаллифининг профессионал билимлари, маҳорати ва малакасини қўллай олганлик даражасига баҳо берилади.

Магистрлик диссертацияси дастлабки ҳимоясида илмий раҳбар иштирок этган тақдирда хулоса оғзаки равишда берилишига рухсат берилади ва бу тегишли баённома билан расмийлаштирилади.

12. Ҳар бир ўқитувчи тингловчи билан магистрлик диссертацияси устида ишлаш юзасидан консултация ташкил этиш вақтини ўзи белгилайди (хафтасига камида 2 марта).

13. Агар магистрлик диссертацияси фанлараро характерга эга бўлса, шунингдек иш инглиз тилида бажарилса, у ҳолда мазкур магистрлик диссертациясига 2 та раҳбар тайинланишига рухсат берилади. Бундай ҳолатда ҳар бир илмий раҳбарга ўқув юкламалари ҳажми уларнинг магистрлик диссертацияси раҳбарлигига қўшган ҳиссасига мутаносиб равишда тақсимланади.

14. Магистрлик диссертациясига раҳбарлик қилиш ва унинг бажарилиши юзасидан илмий раҳбар ва тегишли кафедра жавобгар бўлади.

15. Магистрлик диссертациясида келтирилган маълумотлар ва берилган тавсияларнинг тўғрилигига илмий раҳбар ва мазкур ишнинг муаллифи жавобгар бўлади.

III. Магистрлик диссертациясининг тузилиши ва расмийлаштирилиши

16. Магистрлик диссертацияси қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши керак:

титул варақ (расмийлаштирилиши 4-иловага мувофиқ);

уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилида) магистрлик диссертациясининг қисқача аннотацияси;

мундарижа (расмийлаштирилиши 5-иловага мувофиқ);

кириш;

асосий қисм;

хулоса;

адабиётлар рўйхати (расмийлаштирилиши 6-иловага мувофиқ);

иловалар (мавжуд бўлса).

Диссертация матнида фойдаланиладиган жадваллар, манбаларга бериладиган иқтибослар 7-иловага мувофиқ расмийлаштирилади.

Диссертацияда фойдаланиладиган расм, диаграммалар, схема, хариталарнинг барчаси “расм” деб номланади ва 8-иловага мувофиқ расмийлаштирилади.

Формулаларнинг расмийлаштирилиши 9-иловада келтирилганидек бўлиши керак.

17. Диссертациянинг “Кириш” қисми қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги;

тадқиқот объекти ва предмети;

тадқиқот мақсади ва вазифалари;

тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили);

тадқиқотда қўлланилган услубларнинг тавсифи;

тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти;

иш тузилмасининг тавсифи.

Кириш қисми 4-6 саҳифада бўлиши тавсия этилади.

18. Магистрлик диссертациясининг асосий қисми уч бобдан иборат бўлиб, боблар ҳажм жиҳатидан ўзаро мутаносиб бўлиши ва қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

тадқиқот мавзусига тааллуқли манбаларда келтирилган назарий, амалий ва эмпирик тадқиқотлар натижаларининг таҳлили;

тадқиқот методикаси ва ишнинг таҳлилий қисми баёни;

тадқиқот олиб борилган масалани ҳал этишда тингловчининг шахсий хиссаси кўрсатилган ҳолда тадқиқотнинг асосий натижалари баёни.

19. Магистрлик диссертациясининг хулоса қисмида барча бобларда қайд этилган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, шунингдек илмий тадқиқот муаммосини ҳал этиш бўйича хулосалар ва таклифлар ёритилади. Хулоса қисми 4 саҳифадан ошмаслиги керак.

20. Магистрлик диссертациясига унинг мазмунини баён этиш учун бевосита зарур бўлган қўшимча маълумотларни ўз ичига олган материаллар илова қилиниши мумкин. Илова қисмининг ҳажми магистрлик диссертацияси умумий ҳажмининг учдан бир қисмидан ошмаслиги лозим.

21. Магистрлик диссертацияси устида ишлаётган тингловчи ўрнатилган тартибга риоя этиши (плагиат, маълумотларни сохталаштириш, ёлғон маълумотлар келтиришга йўл қўймаслик) лозим.

22. Диссертация матни стандарт А-4 варақда ёзилган бўлиб, унда қуйидаги қоидаларга риоя этилган бўлиши лозим:

қаторлар оралиғи — 1,5 см;

юқори ва пастки ҳошия 2 см, сатр боши: чап томондан 3 см, ўнг томондан 1,5 см.

Магистрлик диссертацияси матнини Microsoft Word матнли редакторида Times New Roman шрифтида ёзиш тавсия этилади.

23. Магистрлик диссертациясининг ҳажми титул варақ, мундарижа, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташқари 60 саҳифадан кам бўлмаслиги (энг кўп ҳажми қўшимча умумий ҳажмининг 30 фоизидан ошмаган миқдорда) тавсия этилади.

IV. Дастлабки ва расмий ҳимояни ўтказиш тартиби

24. Магистрлик диссертациясининг дастлабки ҳимояси икки босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда магистрлик диссертациясининг дастлабки ҳимояси илмий раҳбар иштирокида кафедра томонидан тузилган комиссияда кўриб чиқилади.

Иккинчи босқичда магистрлик диссертациясининг дастлабки ҳимояси Бошқарув кадрларини тайёрлаш декани томонидан илмий ишлар ва халқаро алоқалар бўйича проректор билан келишган ҳолда шакллантирилган комиссияда кўриб чиқилади.

Дастлабки ҳимояга бошқа кафедралардан, шунингдек бошқа ташкилотлардан мутахассислар таклиф этилиши мумкин.

25. Дастлабки ҳимояга қадар тингловчи илмий раҳбар хулосасига, шунингдек диссертация мавзусига доир камида 2 та илмий мақола ёки тезисга эга бўлиши керак.

Дастлабки ҳимоя якунлари комиссиялар йиғилиши баённомаси билан расмийлаштирилади.

26. Магистрлик диссертацияси бўйича ички ва ташқи тақризчиларни тегишли кафедра тавсия этади ва уларнинг рўйхати илмий ишлар бўйича проректор томонидан тасдиқланади.

27. Тақризчи вазифаларига қуйидагилар киради:

магистрлик диссертациясининг долзарблиги, илмий янгилиги ва тугалланганлиги тўғрисида тақриз тайёрлаш (9-илова);

магистрлик диссертацияси ҳимоясидан камида 3 кун олдин тақризни Академияга тақдим этиш;

ўрнатилган тартибга риоя этилмаганлиги (плагиат, маълумотларни сохталаштириш, ёлғон маълумотлар келтириш) аниқланган тақдирда, уларни тақризда кўрсатиш.

Магистрлик диссертацияси белгиланган талабларга мос келмаган ҳолатларда, тингловчи томонидан ўрнатилган тартибга риоя этмаганлиги (плагиат, маълумотларни сохталаштириш, ёлғон маълумотлар келтириш) аниқланган тақдирда, шунингдек ушбу ҳолатларни қисқа муддатда тузатиш имконияти мавжуд бўлмаганда тақризчи магистрлик диссертациясини ҳимояга қўйиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса беради.

28. Магистрлик диссертациясини расмий ҳимоя қилиш куни Академия ректорининг буйруғи билан тасдиқланган жадвал асосида белгиланади.

29. Магистрлик диссертациясининг расмий ҳимояси Давлат якуний аттестация комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан ўтказилади.

30. Магистрлик диссертациясининг расмий ҳимояси тақдимот материаллари билан баён этилиши ва 20 дақиқадан (тақдимотга – 15 минутгача, савол-жавобларга – 5 минутгача) ошмаслиги лозим.

31. Расмий ҳимояда Комиссия аъзолари магистратура тингловчисини куйидаги мезонлар асосида баҳолайди:

магистрлик диссертацияси тадқиқот мавзусининг долзарблигини ва унинг амалиёт билан боғлиқлигини кўрсатиб бера олиши;

тингловчининг тадқиқотга ва вазифаларни ҳал этишга мустақил ёндашуви;

фойдаланилган илмий адабиётлар, илмий нашрлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, шунингдек хорижий тиллардаги адабиётлар таҳлилининг тўлиқлиги ва чуқурлиги;

олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалий аҳамияти;

тингловчининг магистрлик диссертацияси доирасида ўтказилган тадқиқотлар ва олинган натижаларни ривожлантириш истикболларини кўра билиш қобилияти;

магистрлик диссертацияси муаллифлик назарий ва амалий қисмлардаги ўзаро мантиқий боғлиқликни кузата билиш малакаси.

32. “Қониқарсиз” баҳо қўйилганда ёки магистрлик диссертацияси расмий ҳимояга қўйилмаган тақдирда магистратура тингловчиси кейинги 3 йил давомида уни қайта ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

33. Магистрлик диссертациялари расмий ҳимояси натижалари Академия Кенгашида муҳокама этилади.

34. Ҳимоя қилинган магистрлик диссертациялари Академияда 3 йил давомида сақланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
Кенгаши томонидан тасдиқланган
“___” _____ 2017 й.

**Ташкилот, муассаса, корхоналар томонидан таклиф этиладиган
магистрлик диссертацияси мавзусини тасдиқлаш учун талабнома**

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат
бошқаруви академиясига

_____ ташкилот раҳбари
_____дан
(Ф.И.Ш.)

ТАЛАБНОМА

(ташкилот, муассаса, корхона номи)

“Бошқарув кадрларни тайёрлаш факультети тингловчисига _____
(Ф.И.Ш.)”

БМИни тайёрлаш учун “_____”
номли мавзунини таклиф этади.

Ташкилот раҳбари

(имзо)

2017 йил “_____” _____

М.Ў.

Масъул ижрочи:

Ф.И.Ш., лавозими, тел/факс

**Магистрлик диссертациясини тайёрлаш бўйича
РЕЖА-ЖАДВАЛ**

№	Бажариладиган вазифалар	Ижро муддати
1	Деканат томонидан тинловчиларга магистрлик диссертацияси мавзулари рўйхати тақдим этилиши	
2	Тингловчиларнинг мавзуни танлаши ва уни тасдиқлатиш учун деканатга ариза тақдим қилиши Агар мавзу белгиланган муддатларда танланмаса, ўқув курсининг 2-ойи 1 санасида деканатга тингловчи учун илмий раҳбар ва диссертация мавзуси тегишли кафедра томонидан тақдим этилади	
3	Диссертация ишини тасдиқлаш, илмий раҳбарни тайинлаш, Академия буйруғини қабул қилиниши	
4	Диссертация устида ишлаш	
5	Диссертациянинг тугалланган шаклини илмий раҳбарга тақдим этиш	
6	Диссертацияни ҳимояга тавсия этиш юзасидан тегишли кафедра йиғилиши қарорининг қабул қилиниши	
7	Илмий раҳбар хулосаси билан тугалланган диссертацияни тақризчига тақдим этиш	
8	Илмий раҳбар хулосаси, тақриз ва “Антиплагиат” бўйича маълумотнома билан диссертациянинг тугалланган шаклини ҳимоя учун топшириш	
9	Диссертация ҳимоясини ўтказиш	

Магистрлик диссертацияси бўйича хулоса

Бошқарув кадрларини тайёрлаш факультети, ___-гуруҳ тингловчиси
_____нинг “ _____
_____” мавзу бўйича тайёрланган
магистрлик диссертацияси бўйича хулоса

(Ф.И.Ш., лавозими, илмий раҳбарнинг илмий даражаси ва унвони)

Хулосанинг мазмуни

Хулосалар:

(раҳбар имзоси)

2017 йил “ _____ ” _____

Хулосани ёзиш бўйича илмий раҳбар учун эслатма

Илмий раҳбар хулосаси тасдиқланган шалқда тузилиб, илмий раҳбар имзоси ҳамда Академия кадрлар бўлими муҳри билан тасдиқланади.

Хулосада қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш лозим:

- мавзунинг долзарблиги;
- ишнинг мундарижаси тасдиқланган мавзу ва топшириққа мувофиқлиги;
- қарорнинг сифати, асосланганлиги ва тўғрилиги ҳамда қўйилган масаланинг тўлиқ ўрганилганлик даражаси;
- тингловчи-битирувчининг ташаббускорлиги ва мустақиллиги;
- топшириқнинг тўлиқ бажарилган диққатга сазовор бандини кўрсатиш;
- ишда ўзига хос, оригинал қарорларнинг мавжудлиги;
- ишнинг тўлиқ ва муайян қисмларидаги ижобий ва салбий жиҳатлари;
- тингловчининг мавзу бўйича билими ва уларни амалиётда қўллай олиш қобилияти;
- изоҳ ва графикларнинг расмийлаштирилиш сифати;
- лойиҳада стандартлар талабларига риоя қилинганлиги;
- иш натижасининг амалиётга қўлланилиши мумкинлиги даражаси;
- магистрлик диссертациясини ҳимояга тавсия этиш мумкинлиги;
- ишнинг сифати юзасидан умумий баҳо (иш юқори, ўрта, қуйи даражада бажарилган);
- 4 балли тизимда лойиҳани баҳолаш (аъло, яхши, қониқарли, қониқарсиз).

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ

“ _____ ” КАФЕДРАСИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўқув ишлари бўйича биринчи
проректор

2017 йил “ ____ ” _____

“ХИМОЯГА ҚЎЙИЛДИ”
“ _____ ”
кафедраси мудир

2017 йил “ ____ ” _____

мавзусида

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Бажарди: — _____
Ф.И.О.
“Бошқарув кадрларини тайёрлаш факультети”
____ - курс, ____ - гуруҳ тингловчиси

Илмий раҳбар — _____
Ф.И.О., илмий даражаси, унвони ва лавозими

ТОШКЕНТ – 2017

МУНДАРИЖА

		бет
	КИРИШ
I-БОБ
1.1.
1.2.
II-БОБ
2.1.
2.2.
III-БОБ
3.1.
3.2.
	ХУЛОСА
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
	Илова

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Раҳбарий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон, 2017. -104 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. - Т.: Ўзбекистон, 2016. -56 б.
3. Каримов И.А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране. Доклад на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан.//Народное слово, 13 ноября, - 2010г.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент. Ўзбекистон, 1997. – 326б.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. 29 август 1996 йил. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 йил 11-12-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. (янги таҳрири) 6 май 2014 йил. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 19 (623)-сон. 210-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-

сон, 13-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 47-сон, 461-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сон “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 17(1)-сон, 216-модда, 51-сон, 633-модда; 2016 й., 38-сон, 445-модда, 47-сон, 537-модда; 2017 й., 2-сон, 26-модда, 4-сон, 51-модда, 27-сон, 605-модда.
5. Вазирлар Маҳкамаси қарори. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 189-сон “Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Тошкент ш., 2003 йил 19 апрель
6. “Давлат улушларини ишончли бошқариш ва акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи (“олтин акция”) бўйича давлат вакилларининг хизмат ҳақи тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низом. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2011 йил 11 августдаги 51, 01/12-18/05-сон қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й. 37 (485) сон. 384-модда.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. И.Бутиков. Қимматли қоғозлар бозори. Дарслик. Тошкент. Консаудитинформ. 2001. -496бет
2. В.А.Галанова, А.И.Басова и др. Рынок ценных бумаг: учебник Москва. Финансы и статистика. 1996. -352 ст.
3. Под.ред О.И.Дегтяревой, Н.М.Коршунова, Е.Ф.Жукова. Рынок ценных бумаг и биржевое дело. Учебник для ВУЗов/ Москва. Юнити.2003. -501ст.
4. И.А.Никонова. Финансирование бизнеса. Москва. Альпина Паблишер.2003г. -197ст

Илмий журналлардаги мақолалар

1. Н.Я.Хамрахўжаев. Хусусийлаштирилган корхоналарда корпоратив бошқарувни жорий этиш. Жамият ва бошқарув. 2013 й. 4-сон. 28-37 бетлар.
2. У.Х.Сайдиев. О значении сегмента корпоративных облигаций финансовых рынков развивающихся стран. Жамият ва бошқарув. 2013 й. 2-сон. 106-109-бетлар.
3. Stephen D.Oliner, Glenn D.Rudebusch. Sources of the financing hierarchy for business investment. The review of Economics and Statistics. Vol 74, No 4 (Nov1992) pp-643-654. The MIT Press. Stable url: <http://www.jstor.org/stable/2109378>
4. Stewart C.Myers ва Nicholas S.Majluff. Corporate financing and investment decisions when firms have information that investors do not have. Journal of financial Economics 13:187-221, 1984
5. Colin Mayer. Financial systems, corporate finance and economic development. In asymmetric information, capital markets and Investment. Glenn Hubbard (ed) Chicago University Press for Nber 1990
6. Cherian Samuel. The stock market as a source of finance: A comparison of U.S. and Indian firms/Policy research working paper 1592/The World Bank Operations policy Department April 1996


Интернет сайтлари

1. <http://www.cbu.uz> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки)
2. <http://www.gki.gov.uz> (Ўз.Р Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси)
3. <http://www.csm.gov.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази)
4. <http://www.uzse.uz> (“Тошкент” Республика фонд биржаси)
5. <http://www.deponent.uz> (Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси)
6. [Biznes-daily.uz](http://www.biznes-daily.uz) (“Биржа” газетаси)
7. <http://www.lex.uz> (“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги”)

1-жадвал.**Акциядорлик жамиятларини молиялаштириш манбалари¹**

Қисқа муддатли молиялаштириш манбалари	Ички	Ташқи
		активларни сотиш орқали; фойда, заҳира фондлар; амортизация; заҳира миқдорини камайтириш.
Узоқ муддатли молиялаштириш манбалари	бино, иншоотларни ижарага бериш; активларни сотиш орқали; зарар кўриб ишлаётган ва асосий фаолият тури бўлмаган ишлаб чиқаришни сотиб юбориш орқали(бизнеснинг бир қисмини сотиш); фойдани қайта молиялаштириш, дивиденд тўловлари миқдорини камайтириш.	кредит ва қарз; акция ва облигациялар эмиссияси; бартер (айирбошлаш); факторинг, форфейтинг; лизинг; лойиҳавий молиялаштириш; концессия шартномалари; давлат кафолати, солиқ имтиёзлари, грантлар.

¹ И.А.Никонова. Финансирование бизнеса. Москва. Альпина Паблишер. 2003г. ст 26-27.



Манба: График “Тошкент” РФБ бюллетенлари асосида тайёрланди, суммалар млрд.сўмда кўрсатилган

1-расм. Қимматли қоғозлар савдоси динамикаси

$$Y = C + I + G + (X - M) \quad (1)$$

Бу ерда:

Y – ялпи ички маҳсулот

C – товарлар ва ҳизматлар

I – инвестиция

G – давлат ҳаражатлари

X – экспорт

M – импорт

Тақриз ёзиш бўйича илмий раҳбар учун эслатма

Магистрлик диссертацияси бўйича тайёрланган тақриз қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

1. Умумий ва бўлимлар бўйича бажарилган ишнинг ҳажми бўйича баҳо, масалан:

“...Магистрлик диссертациясида барча бўлимлар давлат стандартларига мувофиқ тарзда киритилган, маълумот А4 форматда, ___варақда, графика қисми А1 форматда ____ варақда тақдим этилган...”.

2. Ишнинг асосий қисмдаги барча бўлимлар бўйича ижобий ва салбий баҳо.

3. Графикага оид ишлар баҳоси (агар мавжуд бўлса).

4. Ишнинг илмийлик даражаси баҳоси.

5. Назарий ва амалий қисмлар таҳлилининг боғлиқлиги.

Тақризнинг хулоса қисмида қуйидагиларни кўрсатиш лозим:

- бажарилган иш ҳажмининг топшириққа мувофиқлиги даражаси (фоизларда);
- ишнинг долзарблиги;
- ишнинг қиммати ва амалиётга қўлланилиши мумкинлиги даражаси;
- 4 балли тизимда лойиҳани баҳолаш (аъло, яхши, қониқарли, қониқарсиз);
- Магистрлик диссертацияси муаллифи Бошқарув кадрларни тайёрлаш дипломига лойиқ ёки нолойиқ экани ҳақидаги хулоса.

Эслатма: ноаниқ баҳолар қўйилишига йўл қўйилмайди, масалан: “юқори баҳога лойиқ” ёки “ижобий баҳоланади” ва шу кабилар.